



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

КОМИЛОВ ТОЛИБ ОЛИМОВИЧ

**СКВАЖИНАНИНГ АСОРАТЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ ИЗОЛЯЦИЯ
ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТАМПОНАЖ ҚОРИШМАСИНИ ЕТКАЗИБ
БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.11 – Кудукларни бургилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническому наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Комилов Толиб Олимович

Скважинанинг асоратли қатламларини изоляция қилиш мақсадида
тампонач қоришмасини етказиб бериш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Комилов Толиб Олимович

Разработка технологии доставки тампонажной смеси с целью изоляции
осложненных зон скважин 21

Komilov Tolib Olimovich

Developing a technology for delivering grouting mixture in order to isolate
difficult well zones..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

КОМИЛОВ ТОЛИБ ОЛИМОВИЧ

**СКВАЖИНАНИНГ АСОРАТЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ ИЗОЛЯЦИЯ
ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТАМПОНАЖ ҚОРИШМАСИНИ ЕТКАЗИБ
БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.11 – Кудукларни бургилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Г1085 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умедов Шерали Халлоқович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рахимов Акбархўжа Камилевич
техника фанлари доктори, профессор

Матякубов Марим Юсупович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

АЖ «O'ZLITNEFTGAZ»

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.T.03.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» 02 соат 44⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-46-00/227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 240 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00).

Диссертация автореферати 2022 йил « 8 » 02 кuni тарқатилди.
(2022 йил « ___ » _____ даги № ___ - рақамли реестр баённомаси).



А.А. Рахимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори

Ш.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, PhD

Б.А. Алиев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси
техника фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда нефть ва газ қазиб олиш соҳасида скважиналарни бурғилашнинг ва ишлатишнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш учун скважинада сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишини бартарафлаш энг асосий устувор вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг замонавий тармоқлари пайдо бўлиши кун сайин углеводород манбаларига бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун скважинада сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишини бартарафлашда унинг асоратли қатламига тампонаж материалларини махсус контейнерларда етказиб беришдан иборат бўлган янги технологияни жорий қилиш энг долзарб масалалардан бири эканлигини таъкидлаш лозим. Шунга мувофиқ контейнерни каротаж кабели воситасида скважинага туширишнинг янги технологиясини яратиш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда скважинада сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишини бартараф этиш мақсадида унинг асоратли жойига тампонаж материалларини контейнер ёрдамида етказиб бериш технологияси бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада изоляциялаш самарадорлигини ошириш учун скважина бўйлаб сув оқиб келиш жойигача тампонаж қоришмالي контейнернинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш ва тампонаж қоришмасини ташиш учун каротаж кабели воситасида туширилувчи контейнернинг оптимал вариантини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда иқтисодиётга муҳим ҳисса қўшадиган ва давлатнинг мустақиллигини мустаҳкамлайдиган, скважинада сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишини бартараф этиш йўли билан углеводород хомашёсини қазиб олиш ҳажминини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу Ўз навбатида скважиналарни ишлатишда янги техника ва технологияларни татбиқ этишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”¹, бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, скважинада сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишини бартарафлаш бўйича янги технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон “2017-2021 йилларда углеводород хомашёси қазиб олишни кўпайтириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

3107-сон “Нефть-газ тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иктисодиётни энергия Ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VII “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Скважинанинг асоратли жойини тампонажлаш мақсадида контейнер ёрдамида тампонаж аралашмаларини ташиш технологияси тўғрисидаги маълумотлар ўрганилганда, ушбу операцияларни амалга оширишда тадқиқотлардаги асосий муаммолар контейнернинг ишлатилишига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Тампонаж аралашмаларни контейнер ёрдамида ташиш технологияларни ўрганиш ва ривожига қўплаб чет эллик олимлар: В.А. Кичигин, Н.И. Николаев, А.С. Покальчук, А.В. Сторчак, Т.В. Русаненко, А.А. Марьин, Е.Ф. Шабашев, В.П. Меркулов, В.Н. Кулевцов, К.И. Аксенов, А.В. Пошенко, А.Ф. Сливченко, Э.В. Бабаян, А.И. Булатов, О.В. Савенок, А.П. Предеин ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган.

Ўзбекистонда Ж.А. Оқилов, А.К. Рахимов, А.А. Рахимов, А.М. Аминов, А.Х. Агзамов, Б.Ш. Акрамов, Ш.Х. Умедов, Р.Н. Ахмедғалиевлар, Ю.П. Номикосов, М.Ю. Матякубов, Д.Р.Махаматходжаев ва бошқа олимлар томонидан бурғилаш ва қазиб чиқариш скважиналарини ишлатишда пайдо бўладиган асоратли ҳолатлар, шунингдек, контейнерни қўллаб сув босишини бартараф қилиш ва сув оқимидан изоляциялаш муаммолари билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар олиб боришган.

Ҳозирги вақтда қўплаб олимлар томонидан тампонаж қоришмаларини скважинага етказиб бериш усуллари ишлаб чиқилганлигига қарамадан скважинада сув оқимини изоляциялаш ва сув босишини бартарафлаш мақсадида унинг асоратли жойига каротаж кабели ёрдамида туширилувчи контейнер орқали тампонаж материалларини етказиб бериш технологияси етарлича ўрганилмаган.

Юқорида кўрсатилганларни ҳисобга олган ҳолда, скважинанинг мураккаб зонасига тампонаж аралашмасини етказиб бериш ҳамда тампонажлаш технологиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ контейнер конструкциясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурияти вужудга келган. Шунинг учун скважинада сув оқимини изоляциялаш ва сув босишини бартарафлашда контейнер конструкциясини тежамкорлиги ҳамда

қулайлигини ҳисобга олиб такомиллаштириш жараёни муҳим масалалардан бири ҳисобланган.

Ҳозирги вақтгача мамлакатимиз жануби-ғарбида жойлашган нефть ва газ конларининг геологик мураккаблашган ҳолатли ҳудудларида скважинада сув оқимини изоляциялаш ва сув босишини бартараф этишнинг энг кўп тарқалган чоралари, анъанавий усул – насос – компрессор қувурларини тушириш ва қувур бўшлиғи орқали цементли аралашмани юборишдир, бунинг учун эса тушириб кўтариш операцияларининг миқдорини ошади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган камчиликларга мувофиқ тушириб кўтариш операцияларининг миқдорини камайтириш ва скважинада сув оқимини ишончли изоляциялаш учун тампонаж аралашмасини скважинанинг мураккаблашган ҳолатли жойига кабель воситасида тушириладиган махсус контейнер ёрдамида етказиб бериш технологиясини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №БВ-Атех-2018-457 “Насос компрессор қувурларини тушириб кўтариш жараёнини қисқартириш ва ютилишни бартараф этиш мақсадида контейнерни кабель ёрдамида тушириб кўтариш усулини ишлаб чиқиш”; №ИОТ-2016-8-3 “Маҳаллий хомашё асосида тайёрланган гилсиз бурғилаш эритмаларини жорий этиш” ва №ИОТ-2016-8-4 “Маҳсулдор қатламни иккиламчи очишда, маҳаллий хомашё асосидаги сирт фаол моддаларнинг (ПАВларнинг) янги таркибини жорий этиш” лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади скважинанинг асоратли қатламларини изоляция қилиш учун тампонаж қоришмасини етказиб бериш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

скважинада сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишини бартараф этиш учун тампонаж қоришмасини қўллаб цементли мостни ўрнатишда кабелда тушириладиган контейнер ҳаракатига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

асоратлар юзага келганда тампонажлаш сифатини ошириш мақсадида тампонаж қоришмасини етказиш учун ишлаб чиқилган, скважинага кабелда тушириладиган контейнерни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

сув оқимини изоляция қилиш сифатини яхшилаш мақсадида тампонаж қоришмасини етказиб бериш учун контейнер конструкциясини ва ундан ишлатиш скважиналарида фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш;

сув оқимини изоляция қилишда тампонаж қоришмасига ҳароратнинг таъсир кўрсатиш қонуниятини аниқлаш;

нефть ва газ конларини бурғилаш ва ишлатишда контейнер ёрдамида тампонаж қоришмасини скважинанинг мураккаб зоналарига етказиш учун янги технологияни ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти сифатида нефть ва газ конларини бурғилаш ва ишлатишда, цементли мостни ўрнатиш мақсадида скважинага кабелда тушириладиган контейнер олинган.

Тадқиқот предмети скважинага кабелда тушириладиган контейнернинг яратилган конструкциясини қўллаб тампоначлаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида математик статистика, моделлаш ва тажриба тадқиқотлари, шунингдек сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишни бартараф этиш билан боғлиқ мавжуд материалларни солиштириш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишлатиш скважиналарида сув оқимини изоляция қилиш сифатини ошириш мақсадида тампонач қоришмасини етказиб берадиган контейнернинг принципиал янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

тажриба стендида сув босишини бартараф этиш жараёнида тампонач қоришмаси структурасига ҳароратнинг таъсири боғлиқликлиги аниқланган;

тажриба стендини қўллаш орқали контейнер клапани ишлаб кетиши омиллари аниқланган;

скважинада сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишни бартарафлаш мақсадида тампонач қоришмасини етказиш учун скважинага кабелда тушириладиган контейнернинг критик тезлиги аниқланган;

скважинанинг асоратли жойига тампонач қоришмасини етказиб бериш учун контейнерни ишлатиш шартлари оптимал режимлардан фарқланишини ифодаловчи технологик схема ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

скважиналарни бурғилаш ва ишлатишда асоратларни бартараф этишга имкон берувчи, кабелда тушириладиган самарали контейнер ишлаб чиқилган;

тажриба намуналарини тайёрлаш учун контейнернинг 3D-моделли ишлаб чиқилган;

насос-компрессор қувурларини тушириб қўтариш операциялари вақтини қисқартириш учун ишлаб чиқилган контейнер конструкциясини қўллашнинг янги технологияси таклиф этилган ва уни ишлатиш вақтидаги технологик кўрсаткичлари аниқланган;

скважинанинг мураккаб зонасида цементли мостни ўрнатиш учун тампонач қоришмаларини етказиб беришнинг аънавий ва ишлаб чиқилган технологиялари солиштирилиб сарфланадиган вақтлари боғлиқликлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги скважинанинг мураккаб зонасига тампонач материални таклиф этилган самарали контейнерда етказиб бериш технологияси ёрдамида сувдан изоляция қилиш ва сув босишни бартарафлаш «Ўзбекнефтегаз» АЖнинг аниқ объектларида амалда олинган кўрсаткичлар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти насос-компрессор қувурларини ТКО вақтини қисқартириш билан боғлиқ бўлиб, скважиналарнинг мураккаб зоналарида тампонаж ишлари сифатини яхшилаш мақсадида тампонаж қоришмаларини скважинанинг мураккаб зоналарига етказиб бериш учун контейнердан фойдаланиш технологиясини баҳолаш, шунингдек таклиф қилинган контейнер ёрдамида скважиналарда сув оқимларини изоляция қилиш ва сув босишини бартараф этиш учун фойдаланилаётган тампонаж қоришмасини технологик кўрсаткичларини аниқлаш билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти скважина асоратларини бартараф қилишда тампонажлаш сифатини ошириш учун тампонаж қоришмаларини етказиб беришда тавсия қилиш имконини берувчи скважинага кабелда тушириладиган янги контейнер ишлаб чиқилган ва бу контейнерларни самарали ишлатишнинг технологик кўрсаткичларни танлашга хизмат қилади ҳамда изоляция ишларини бажаришда юқори натижаларга олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нефть ва газ скважиналарини ишлатиш жараёнида сув оқимларини изоляция қилиш ва сув босишини бартараф этиш мақсадида кабел орқали тушириладиган контейнер ёрдамида тампонаж материални етказиб бериш технологиясини ишлаб чиқиш натижалари асосида:

сув оқимларини изоляция қилиш ва сув босишини бартарафлаш учун таклиф этилган технология «Ўзбекнефтегаз» АЖ майдонларининг мураккаб шароитлардаги Жанубий Кемачи конининг №78 скважинасида жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2021 йил 2 августдаги №03-17-5/113-сонли маълумотномаси). Натижада насос компрессор қувурларини тушириб-кўтаришлар сони 12 фоизга қисқарган, ҳамда тампонаж аралашмасини етказиб бериш ва цементли мостни ўрнатишда 3-4 марта кам вақт сарфланиш имконини берган;

скважинанинг асоратли қатламларига тампонаж қоришмасини етказиб бериш учун контейнерга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (IAP 06550, 2021 й.). Натижада, кимёвий реагентлар, тўлдирувчи моддалар ва тампонаж цементларининг сарфини тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография ва 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 3 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Скважинада сув оқимини изоляция қилиш ва сув босишини бартараф этиш учун фойдаланилаётган тампонаж материаллари, ускуналари ва технологиялари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида таъмирлаш-изоляциялаш ишларини бажариш учун тампонаж қоришмасини керакли чуқурликка етказиб бериш технологияси бўйича дунёда олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Сувланиш сабаблари асосан нефть ва газ скважиналарини ишлатиш шароити билан боғлиқ. Нотекис ҳаракат натижасида газ, сув ҳамда нефть туташ юзасида, одатда, биринчи бўлиб скважина контурини сув босади, нефть ёки газ казиб олишни камайтирадиган энг мураккаб омиллардан бири уларни тезлик билан сув босиши ҳисобланади. Амалиётда изоляцион материални бурғилаш қувурлари ёки насос-компрессор қувурлари (НҚК) орқали қуйиш вақтида цементли қоришманинг қолдиклари қолиб кетиши билан боғлиқ асоратлар учраб туради.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда тампонаж қоришмасини, пакерли бурғилаш қувурлари колоннаси бўйлаб қуйиш, сув келиш ҳудудини ҳимоялаш ва сув босишини бартараф этиш, тампонаж қоришмасини очик скважина орқали ва бурғилаш қувурлари бўйлаб етказиб бериш бир қатор камчиликларга эга бўлганлиги учун қоришмани етказиб беришнинг энг самарали усули, яъни контейнер ёрдамида етказиб бериш технологиясини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Қуйида Жанубий Кемачи кони мисолида сув босишини бартарафлаш бўйича бажарилган ишлар натижалари келтирилган.

Сув босишини бартараф этиш мақсадида тампонаж қоришмасини анъанавий усулда сув оқими ҳудудига етказиш орқали ушбу коннинг 78-сонли скважинасида сув оқимидан ҳимоялаш ишлари олиб борилган.

Таҳлилларга кўра, сув босишидан ҳимоялаш учун: $1,65 \text{ г/см}^3$ зичликдаги $1,6 \text{ м}^3$ тампонаж қоришмаси ва 24 м^3 ҳажмда техник сув тайёрлаб олинган. Шундан сўнг амалдаги технология бўйича тайёрланган тампонаж қоришмаси скважинанинг 2308-2312 м асоратли интервалига етказилди ва скважина цемент қотишини кутишга (ЦҚК) қўйилди.



Ҳимояланган интервал герметиклигини текшириш учун скважинага 24 м^3 техник сув юборилди. Ютилиш кузатилди, тақрорий ҳимоялаш учун $1,65 \text{ г/см}^3$ зичликдаги $1,2 \text{ м}^3$ тампонаж қоришмаси тайёрланди ва амалдаги технология бўйича скважинанинг 2308-2312 м интервалига етказилиб ЦҚКга қўйилди. Ҳимояланган интервал герметиклигини текшириш учун 24 м^3 техник сув скважинага юборилди. Натижада ютилиш кузатилди. Учинчи марта сув босишидан ҳимоялаш учун $1,65 \text{ г/см}^3$ зичликдаги $2,4 \text{ м}^3$ тампонаж қоришмаси тайёрланиб, 2297,79-2308 м интервалда сув босишдан ҳимоялаш ишлари амалга оширилди. Скважина ЦҚКга қўйилди. Ҳимояланган интервални текшириш учун 10,0 МПа босимда скважинага технологик сув юборилди. Ижобий натижа олингандан сўнг, скважина техник сув циркуляцияси ёрдамида тозаланди. 1.а - расмда, амалдаги технология бўйича сув босишини ҳимоялаш учун ўрнатилган цементли мостнинг вақтга боғлиқликлиги диаграммаси келтирилган. 78-сонли скважинанинг 2250-2255 м интервалини сув босишидан ҳимоялаш мақсадида цементли мостни ўрнатиш учун зичлиги $1,55 \text{ г/см}^3$ бўлган $0,8 \text{ м}^3$ тампонаж қоришмаси скважинанинг асоратли худудига НКҚлари орқали қўйилди. Скважина ЦҚКга қўйилди. НКҚи 100 метрлик чуқурликка туширилиб, скважина герметиклигини текширишди.

Цементли мостнинг бошланиши 2250 м чуқурликда эканлиги ва сув окимидан ҳимоялаш учун цементли мост 2250-2255 м интервалда жойлашганлиги аниқланди, сўнгра скважинага техник сув юборилиб, скважина бир марта ювилди ва 15,0 МПа босим остида ишлатиш скважинаси герметикликка текшириб кўрилди. Цементли мостни ўрнатилиши кутилган натижалари бермади.

Цементли мостни ўрнатиш бир неча маротаба тақрорланди, олинган натижалар 1.б-расмда келтирилган. Диаграммадан кўриниб турибдики, скважинани анъанавий технология бўйича сув босишидан ҳимоялаш учун цементли мостни ўрнатиш, ушбу мостлар сонини кўпайишига олиб келади, шунингдек, бунинг учун кўп вақт талаб қилинганлиги сабабли моддий харажатлар ҳам ортади.

Сўнги йилларда, Ўзбекистоннинг Жанубий Кемачи конида углеводород хомашёсини қазиб чиқариш кўпайганлиги сабабли скважина тубидаги босим пасайган, шунинг учун цементли мост ўрнатиш мақсадида анъанавий усулда 8-10 марта цементли мост қўйишга тўғри келди. Юқорида кўрсатилган натижалар асосида сув окимидан ҳимоя қилиш мақсадида цементли мост ўрнатиш учун қўлланиладиган тампонаж қоришмасини етказишнинг мавжуд анъанавий технологияларининг қатламдаги босим пасайгандаги самараси пастлиги аниқланди.

Мавжуд технологиялар ёрдамида тампонаж қоришмасини скважинанинг мураккаб зонасига етказиб бериш орқали асоратларни бартараф этишда кўп миқдорда хомашё ва материаллар, шунингдек, техник воситалар сарфланганлиги аниқланди, бу эса изоляция ишларининг самарадорлигини пасайишига олиб келади.



1-расм. Жанубий Кемачи кони 78-сонли скважинасида анъанавий технологиялар ёрдамида сув босишидан химоялаш учун тажриба-саноат синовларини ўтказиш натижасида олинган цементли мостларнинг сони ва ўрнатиш вақтига боғлиқликлиги диаграммаси: а-2012 йил 3 декабрдан 2013 йил 16 январгача; б-2016 йил 1 декабрдан 2016 йил 17 декабргача

Юқоридагиларга асосланган ҳолда сув оқимларидан химоя қилиш ва сув босишини бартарафлаш учун скважинанинг мураккаб зонасига тампонаж материални етказиб беришнинг янада самарали, янги усулларини ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Скважинани имитация қилувчи экспериментал стенд яратиш орқали контейнер конструкциясининг вариантларини оптималлаштириш” деб номланган иккинчи бобида скважинани сув босишини бартарафлаш вақтида сув оқимидан химоялаш жараёнини тадқиқ қилиш учун контейнерни қўлаган ҳолда тампонаж қоришмаларини етказиб бериш технологияси самарасини ошириш мақсадида тажриба дастгоҳи ишлаб чиқилди, шунингдек, кабелда тушириладиган контейнер конструкцияси танланиши ва оптималланиши зарурати асослаб берилди.

Ишлатиш скважинаси орқали тампонаж қоришмасини скважинанинг

зарур бўлган чуқурлигига етказиш мақсадида, контейнер барча қисмларининг геометрик ўлчамларига боғлиқ бўлган контейнер остки қисмининг диаметрини аниқлаш формуласи тақлиф этилган:

$$d_{\text{кон.ост.кисм}} = d_{\text{ич.диам}} - 2 \cdot \Delta_{\text{рад.тирк}}, \text{ мм} \quad (1)$$

бунда $d_{\text{кон.ост.кисм}}$ – контейнернинг остки қисми диаметри, мм, $d_{\text{ич.диам}}$ – ишлатиш скважинасининг ички диаметри, мм, $\Delta_{\text{рад.тирк}}$ – контейнернинг остки қисми диаметри ва қувурнинг ички диаметри орасидаги радиал тиркиш $\Delta_{\text{рад.тирк}} \geq 5 \div 10$ мм. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, ишлатиш скважинасига тушириладиган контейнернинг эҳтимолӣ ўлчамлари нисбати танланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ишлатиш скважинасининг ташқи диаметри бўйича контейнер остки қисмининг ташқи диаметрини танлаш

№ т/р	Ишлатиш скважинасининг ташқи диаметри, мм	Контейнер остки қисмининг ташқи диаметри, мм	№ т/р	Ишлатиш скважинасининг ташқи диаметри, мм	Контейнер остки қисмининг ташқи диаметри, мм
1	114,3	91,1–101,6	9	244,5	221,275–231,275
2	127	103,8–113,8	10	273,1	249,85–259,85
3	139,7	116,5–126,5	11	298,5	275,25–285,25
4	146,1	122,85–132,85	12	323,9	300,65–310,65
5	168,3	145,75–155,75	13	339,7	319,525–329,525
6	177,8	170,47–180,47	14	351	316,25–326,25
7	193,7	173,7–183,7	15	377	345–355
8	219,1	195,85–205,85	16	406,4	379,3–369,3


Олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили 1-жадвалга мувофиқ амалга оширилган. Жадвалга кўра остки қисмининг ташқи диаметри 116,0 мм бўлган контейнернинг барча конструкция элементлари ва унинг мавжуд механизмларини танлаш мумкин. Ушбу танланган диаметр асосида қуйидаги уч турдаги:

- ишчи механизми шнекдан ва уни ишга тушириш учун электродвигателдан иборат бўлган;

- ишчи механизми портлагич ишга тушурувчидан иборат бўлган;

- ишчи механизмларининг ишлаш мезони механик тизимга асосланган контейнер конструкцияси ишлаб чиқилди. Тақлиф қилинган контейнерни қўллаб, скважина шароити ҳосил қилинган стенда тампонаж қоришмаларини етказиш технологик жараёнини ўрганиш учун сарфланадиган материал ва техник воситалар ҳисоби амалга оширилиб баҳоланди. Экспериментал стенда (2-расм) контейнерни имитация қилинган скважинага туширишдан олдинги жараёни ўрганилиб, контейнер тўлдириладиган тампонаж қоришмаси

тайёрлаб олинади, охирида контейнер пробка ёрдамида ёпилади ва скважинага туширилади, ҳароратни ўлчаш мақсадида стенда термостат ўрнатилган.



2-расм. Таклиф этилаётган кабелда тушириладиган контейнерни қўллаш учун скважина шароитини ҳосил қилувчи экспериментал стенд схемаси: 1 – махсус стол, стенд асоси, 2 – блок – иссиқлик химояси учун тағлиқ, 3 – циркуляция ҳосил қилиш ва доимий ҳароратни таъминлаш учун суюқлик (сув), 4 – зарурий суюқлик ҳажмини таъминлаш учун бак, 5 – суюқликни (сувни) иситиш учун ҚЭИ, 6 – скважинани имитация қилувчи қобик, 7 - тампонаж қоринмаси учун контейнер, 8 – тампонаж қоринмаси 9 – босим ҳосил қилиш учун гидравлик пресс, 9 а – юқори босим трубкаси, 10 – технологик жараёни бошқариш учун компьютер, 10 а – процессор, 10 б – компьютер монитори 10 в – клавиатура, 10 г – компьютер сичкончаси, 11 – бак ва скважинани боғлаб турувчи сув оқимини ҳосил қилиш қувури, 12 – суюқликни (сувни) айланишини ҳосил қилиш учун насос, 13 – насос ишини таъминловчи электр юритма, 14 – суюқлик айланишини бошқариш учун кран, 15 – белгиланган босимни ҳосил қилиш учун пресс муфтаси, 16 – ҳосил қилинган скважинага тушириладиган контейнерни маҳкамлаш учун шток, 17 – ҳосил қилинган скважинанинг устки қопкоғи, 18 – ҳосил қилинган скважина қопкоғини маҳкамлаш болтлари, 19 – ҳароратни ўлчаш учун термометр, 20 – контейнернинг устки қисми, 21 – контейнернинг пастки қисми, 22 – тизимда босимни ўлчаш учун манометр, 23 – датчик – контейнернинг пастки клапани очилишини аниқлаш учун фиксатор, 24 – жараён бўйича маълумот алмашини бошқариш учун компьютер улаш кабели, 25 – тажриба стендининг барча элементларини улаш учун микропроцессор базасидаги микроконтроллер


Махсус идишда суюқликни иситиш ва босим ҳосил қилиш учун махсус қувурли электр иситгичдан (ҚЭИ) фойдаланилади, босимни 10,0 МПа гача ошириш мақсадида босим бериш ускунаси қўлланилади. Суюқлик айланишини электр юритмали насос ёрдамида амалга ошириш учун махсус трубка кўзда тутилган, барча элементларни компьютерга улаш кабель орқали амалга оширилади. Микропроцессор базасидаги микроконтроллерга барча лаборатория жараёнини бошқариш учун сигнал юборилади. Скважина шароитини ҳосил қилувчи тажриба стендини яратиш орқали контейнер конструкцияси вариантлари оптималлаштирилди ва ишчи механизмларининг ишлаш мезони механик тизимга асосланган конструкцияси танланди. Кўриб чиқилган тажриба стенди скважина тубида сув босишини бартараф этиш ва

химоялаш ишларининг самарадорлигини оширади, шу билан бирга скважиналарда ҳосил бўлган сув ўтказмайдиган цемент тошининг параметрларини тартибга солади ва унинг етарли мустаҳкамлигини ва ёпишқоқлик хусусиятларини таъминлайди.

Диссертациянинг “Скважинани сув оқимидан химоялаш ва сув босишини бартараф этишни ишончли таъминлайдиган контейнернинг самарали конструкциясини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида ишлатиш қулайлиги ва механик системага асосланганлиги билан ажралиб турувчи контейнер конструкцияни қўллаш орқали скважинанинг тубига тампонаж материални етказиш билан цементли мостларни ўрнатиш усулидаги қийинчиликларни бартараф этишга бағишланади. Контейнернинг чизмаси ва унинг қисмлари 3-расмда келтирилган.

Контейнер цилиндр шаклдаги идиш бўлиб, қобиқ ҳамда таклиф қилинаётган объектнинг ишлашини таъминловчи деталь ва унинг қисмларидан иборат. Деталлар кетма-кетлиги, ишга туширилмаган клапандан бошланади, клапан ўз плитасига пружина ёрдамида қисилган бўлиб, у суюқлик билан тўлдирилган мустаҳкамловчи қувури бўйлаб ҳаракатланишини олдини олган ҳолда тешикларни беркитиб туради.

Юқорида келтирилган деталлар кетма-кетлиги, мустаҳкам сим (контейнер қобиғи узунлигидан 1 мм узунрок) билан боғлиқ бўлиб, штокнинг юқори қисмидаги тешигига мустаҳкамланган. Мустаҳкам сим боғланиши корпус ичида унинг пастки қисмидан бошлаб қопқоғи зичлангангунга қадар тортилади, уч қисмдан (сектор, скоба ва илгак) иборат қулф эса цапфа атрофида бурилиш имкониятига эга, сўнгра у иш ҳолатига туширилади ва фиксатор ёрдамида шу ҳолатда ушлаб турилади. Сўнгра клапан қўл ёрдамида штокка босиш билан ишга туширилади (охиригача пружинани тўлиқ қисилишига қадар) ва бир вақтни ўзида қопқоқ корпус учига қисилади, боғловчи симнинг учи мустаҳкамланган қулф илгакка илинган ҳалқага илинади. Боғланиш симини чангакка маҳкамлаш жараёнида тарангликни йўқотмаган ҳолатда тортиб боғлаш лозим. Контейнер скважина устида тампонаж материал билан шундай тўлдирилади-ки, контейнерга юқоридан сув тушиш имкони бўлмаслиги шарт. Сўнгра поролон тиқин ўрнатилади (тушиш вақтида муҳитларни ажратиб туриш учун) ва контейнер керакли чуқурликка туширилади. Скважинага трос бўйлаб бошқариладиган юк туширилади, у фиксаторни уради, уни силжити ва шу билан бирга қулфни бўшатади. Урилиш натижасида очилган қулф клапан пружинаси ҳаракатидан илгак тарафга бурилади, ҳалқага илиниб боғланган сим пастга тушади, бунинг натижасида тўлиқ бўшаган ушлаб турувчи клапан пастга тушади ва пастки қопқоқ контейнер корпусдан ажралади. Натижада контейнер скважина оғзига (тепасига) охиста кўтарилади, шу билан бир вақтда тампонаж қоришмаси ўз оғирлиги таъсирида белгиланган чуқурликда қолади. Ишлаб чиқилган каротаж кабели ёрдамида скважинага тушириладиган контейнер конструкциясининг техник тавсифлари 2-жадвалда келтирилган.



3-расм. Контейнернинг конструктив схемаси

1 – учбурчак текисликдаги пайвандланган фиксатор втулкаси, 2 – контейнер кабелини йўналтирувчи. 3 – скоба остидаги пружина, 4 – ушлаб турувчи скоба, 5 – кабель билан контейнер қобиғини туташтирувчи папфа, 6 – шток билан қулфни туташтириб тортиб турувчи сим, 7 – юқориги копкак, 8 – поролондан ясалган тикин, 9 – контейнер қобиғи, 10 – сим билан контейнерни пастки қисмини туташтирувчи шток, 11 – контейнернинг пастки қопқоғи билан траверсага қотирилувчи гильза, 12 – штокнинг маҳкамловчи гайкаси, 13 – контейнернинг пастки қопқоғи, 14 – контейнернинг пастки қопқоғини ушлаб турувчи клапан, 15 – клапан плитаси, 16 – мустаҳкамловчи қувур, 17 – контейнернинг пастки қопқоғига нисбатан клапан плитасининг ҳаракатини чекловчи втулка, 18 – клапан плитаси билан траверсани қотириш учун стойка, 19 – итарувчи пружина, 20 – клапан плитаси билан траверсани қотириш учун стойкани маҳкамловчи гайка, 21 – клапан плитасини стойкалар ёрдамида ушлаб турувчи траверса, 22 – траверсани штокка маҳкамлаш учун гайка

2-жадвал


Ишлаб чиқилган контейнернинг техник кўрсаткичлари

Номланиши	Контейнерларнинг кўрсаткичлари	
Контейнер тури	KTD88/L8	KTD88/L18
Контейнер қобиғининг ташқи диаметри, мм	101,6	101,6
Контейнер узунлиги, м	8	18
Контейнер қобиғи деворининг қалинлиги, мм	7	7
Контейнер ҳажми, дм ³	46,2	158,6
Контейнер массаси, кг	210,3	709,7
Контейнернинг ишчи босими, МПа	30	30
Контейнернинг ишчи ҳарорати, °С	110	110

Контейнер маълум бир муҳитли скважинада ҳаракатланиши учун қаршилик кучлари ва ташқи таъсирларни ҳисобга олган ҳолда унинг конструкцияси қисмлари ҳисобланди ва контейнернинг пастки қисмидаги клапан плитасида n - та тешиклар бўлиши асосланди. Ушбу тешикларнинг умумий майдони юзаси, мустаҳкамловчи қувур ички диаметри ва контейнер клапан плитасининг ташқи диаметри (2 - формула) орасидаги радиал майдон юзаси йиғидисини ҳосил қилиши керак:

$$S_{\text{рад.май.юз}} = n \cdot S_{\text{теш.}} \text{ мм}^2 \quad (2)$$

бунда $S_{\text{рад.май.юз}}$ – мустаҳкамловчи қувур ички диаметри ва контейнернинг клапан плитаси ташқи диаметри орасидаги тирқишнинг радиал майдони юзаси мм^2 ; $S_{\text{тешик}}$ – битта тешикнинг юзаси, мм^2 ; n – клапан плитасидаги тешиклар сони. Контейнернинг 3D модели моделлаштириш йўли орқали Solidworks дастурини қўлаган ҳолда уч ўлчовли технология билан ишлаб чиқилган. Контейнер барча деталларининг ишчи чизмаларини ишлаб чиқишда расм ўлчамлари, нотекислик ва матн ёзувлари учун қуйидаги ДС ларидан фойдаланилган: ДС2.305-68, ДС2.307-68, ДС2.309-68, ДС2.316-68, шунингдек, лойihalаш ва кучланишга текширув ҳисоблари қийматлари, контейнер деталларига рухсат этилган кучланишга чидамлик ва чидамликнинг заифлашиш захираси коэффицентлари ҳисоблари ўтказилган. Ишлаб чиқилган контейнер конструкцияси асосида ташқи таъсирларсиз контейнер ёрдамида тампонаж қоришмасини скважинанинг мураккаб зонасига етказиб беришнинг технологик схемаси (5-расм) тузилган, бу орқали моддий-техник воситалар ва харажатларни сезиларли даражада камайтириш мумкин.



5-расм. Тампонаж аралашмасини контейнер ёрдамида скважинанинг асоратли катламга етказиб бериш технологик схемаси: а-контейнернинг скважина устидаги ҳолати, б-скважинанинг асоратли катламга тампонаж қоришмаси билан тўлдирилган контейнер, в-тампонаж қоришмасини тушириш, г-контейнернинг қўтарилган ҳолати, 1-скважина, 2-контейнер, 3-тампонаж қоришмаси, 4-йўналтириладиган юк

Контейнердан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган технологик схема, скважинага каротаж кабели воситасида тушириладиган, махсус тайёрланган контейнерда тезда қотиб қолувчи тампонаж аралашмасини тампонаж қилиш зонасига етказиб беришда энг кам йўқотилишларни таъминлайди ва қуйидаги афзалликларга эга:

- агар контейнер клапани ишламаса уни юқорига тезроқ куч бериб қўтариш йўли билан поршен режимида ишлатиш;
- тампонаж қоришмасини тампонаж қилиш зонасига етказиб беришдаги юқори тезлиги;
- контейнер ичидаги тампонаж қоришмаси қотиб қолган ҳолатда скважинага хавф келтириб чиқармайди, контейнерни қўтариш ва қотиб қолган

қоришмадан тозалаш мумкин. 4-расмда каротаж кабелга уланиш учун махсус курилма билан жиҳозланган контейнернинг 3D-моделли кўрсатилган. Тампонаж қоришмасини скважинанинг мураккаб зонасига етказиб бериш технологиясини ишлаб чиқишда тампонаж қоришмасини маълум тезликка эга



4-расм. Контейнернинг 3D-моделли: а – ён томондан кўриниши, б – юқоридан кўриниши, в – А кўриниши

бўлган (1,91 м/с) контейнер ёрдамида ташиш, скважина чуқурлиги ортисининг вақтга боғлиқлиги аниқланди (6-расм). Цементли мостларни ўрнатишда, цементли аралашмаларни етказиб бериш учун сарфланган вақтлар бўйича амалдаги ва ишлаб чиқилган технологияларининг қиёсий таҳлили ўтказилди (7-расм). Кўрсатилган графикларни таққослаш асосида ишлаб чиқилган технология бўйича KTD88/L8 ва KTD88/L18 туридаги контейнерлар ёрдамида тампонаж аралашмасини скважинанинг мураккаблашган ҳолатли жойларига етказиб беришдаги тежамлилиги асосланди.



6-расм. Контейнер скважинанинг мураккаб зонаси чуқурлигига тушишининг вақтга боғлиқлик графиклари



7-расм. Скважинанинг мураккаб зонасида цементли мостларни ўрнатишга сарфланган вақтлар бўйича тампонаж қоришмаларини етказиб беришнинг мавжуд ва ишлаб чиқилган технологияларини таққослама графиклари

Цементли мостни ўрнатиш учун (3) формула бўйича цементли мостнинг хакикий баландлигини ҳисоблаш методикасини тузиш йўли билан моддий харажатларнинг сарфланишлари аниқланди, булар сув оқиб келишини бартараф қилиш учун муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади.

$$H_{ц.м} = k_{к.х} \frac{R_{к.ич}^2}{R_{х.к.ич}^2} * L_к = k_{к.х} \frac{d_{к.ич}^2}{d_{х.к.ич}^2} * L_к, \text{ мм} \quad (3)$$

бу ерда $H_{ц.м}$ – ўрнатиладиган цементли мостнинг баландлиги, мм; $R_{к.ич}$ – контейнернинг ички радиуси, мм; $d_{к.ич}$ – контейнернинг ички диаметри, мм; $R_{х.к.ич}$ – химоялаш қувурининг ички радиуси, мм; $d_{х.к.ич}$ – химоялаш қувурининг ички диаметри, мм; $L_к$ – контейнер узунлиги, мм; $k_{к.х}$ – химояланувчи қатламнинг ҳолатини ҳисобга олувчи коэффициент.

Шундай қилиб, контейнернинг принципиал янги конструкцияси ва контейнер ёрдамида тампонаж аралашмасини скважинанинг мураккаблашган ҳолатли жойларига етказиб беришнинг янги технологияси ишлаб чиқилди ҳамда тампонажлаш учун моддий маблағлар ҳисобланди.

Диссертациянинг “Ишлаб чиқилган технологиянинг “Ўзбекнефтгаз” Акциядорлик Жамияти қонларидаги тажриба-саноат синовлари” деб номланган тўртинчи бобида скважинанинг мураккаб зонасига сув оқимидан химоялаш мақсадида кабель орқали туширилувчи контейнер ёрдамида тампонаж қоришмасини етказиб бериш учун ишлаб чиқилган технологиянинг тажриба синовлари маълумотлари келтирилган. Цементли мост ўрнатиш мақсадида контейнер ёрдамида тампонаж қоришмасини етказиш бўйича ишлаб чиқилган технологиянинг тажриба синовлари Жанубий Кемачи қони, 78-сонли скважинанинг 2251-2253 м интервалида ўтказилди. Тампонаж қоришмасини каротаж кабелида чигир ёрдамида тушириш, тампонаж мосламасини тушириш ва кўтариш тезлигини ошириш ҳисобига тампонаж ишларини ўтказишнинг тезкорлигини таъминлаб берди. Бундан ташқари, қўлланилган чора тадбирлар, скважинанинг мураккаб зонасига тампонаж қурилмасини тезкор туширишни таъминлади, бу эса скважинанинг асоратли интервалини тампонаж қоришмасини оз муддатларда қотиши билан муваффақиятли изоляция қилишга ёрдам берди. Бу ерда бажарилган тампонажлаш ишларининг самарадорлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Скважинага қурилгани туширишда кабелдан фойдаланиш, тампонажлаш жараёнида тампонаж қурилмасини скважина бўйлаб кичик тезликда кўтаришни ва кўрсатилган баландлиқни таъминлайди, бу эса ўз навбатида скважина интервалининг умумий тампонажлаш қалинлигини тампонаж қурилмасининг битта рейси давомида бажарилишини таъминлаб берди. Ўтказилган тажриба синовлари натижаларига кўра мавжуд технологиялар ҳамда скважиналарни сув оқимидан химоялаш ва скважинани сув босишини бартарафлаш учун контейнердан рационал фойдаланиш бўйича таклиф қилинган технологиялар самарадорлигининг солиштирма ҳисоби амалга оширилди. Скважиналарни сув оқимидан химоялаш ва скважинани сув босишидан бартараф этишда замонавий техник тизимлар билан биргаликда ишлаб чиқилган технология ва

қурилмадан рационал фойдаланиш, скважинани сув босишини бартараф этиш самарадорлигини 11 % гача оширишни кутиш мумкин.

ХУЛОСА

“Скважинанинг асоратли қатламларини изоляция қилиш мақсадида тампонаж қоришмасини етказиб бериш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Амалдаги технология бўйича тампонаж қоришмасини етказиш йўли билан сув оқимидан ҳимоялаш мақсадида цементли мост ўрнатиш жараёни тадқиқот қилинди. Цементли мостни ўрнатишнинг ўртача вақти (122-186 соат), ҳимоялаш қатламининг ҳолатига ва скважина чуқурлигига (2000-2300 м) боғлиқлиги ўрганилди.

2. Қатлам босимини ҳисобга олган ҳолда тампонаж қоришмасига ҳароратнинг таъсири қонуниятларини аниқлаш ва контейнерни ишлаб чиқиш технологияси ва конструкциясининг меъёрий-техник асосларини яратиш учун тажриба стенди яратилди.

3. Скважинанинг мураккаб зонасига тампонаж қоришмасини етказиш билан сув оқимини изоляция қилиш сифатини ошириш мақсадида контейнер конструкциясининг янги схемаси ва уни ишлатиш технологияси ишлаб чиқилди.

4. Тажриба намуналарини тайёрлашдан олдин лойиҳани амалга ошириш муддатларини қисқаришига олиб келувчи ва конструкциясини яратишда аниқ маълумотлар олиш имкониятини берадиган контейнернинг 3D-моделли ишлаб чиқилди.

5. Нефть ва газ қазиб олиш ва бурғилаш скважиналарида юзага келадиган асоратларни олдини олишга мўлжалланган, контейнер ёрдамида тампонаж қоришмасини етказиш технологияси яратилди.

6. Контейнер ёрдамида ўрнатилган цементли мостнинг ҳақиқий баландлигини ҳисоблаш формуласи ва сарф қилинган материалларни ҳисоблаш методикаси ҳамда скважиналарда мураккаб ҳолат юзага келганда тампонажлаш сифатини ошириш мақсадида тампонаж қоришмасини кабел ёрдамида скважинага етказувчи контейнернинг ишлаб чиқилган конструкциясини ишлатиш шароити тақлиф этилди.

7. “Тампонаж қоришмасини скважинанинг асоратли қатламига етказиш учун контейнер”нинг (ТШ амал қилиш муддати: 25.10.2020 йилдан 25.10.2025 йилгача) Техник шартлари ишлаб чиқилди.

8. Жанубий Кемачи конининг 78-скважинасида саноат тажриба ишлари олиб борилди, ТКИ сонини камайтириш ҳисобига, бир скважина учун 33,267 млн. сўм амалий иқтисодий самарага эришилди.

9. Тадқиқот натижалари асосида патент олинди (Патент. Тампонаж қоришмасини скважинанинг асоратли қатламларига етказиб бериш учун контейнер. 16.07.2021; № IAP 06550).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

КОМИЛОВ ТОЛИБ ОЛИМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ДОСТАВКИ ТАМПОНАЖНОЙ
СМЕСИ С ЦЕЛЬЮ ИЗОЛЯЦИИ ОСЛОЖНЕННЫХ ЗОН СКВАЖИН**

04.00.11 – Технология бурения и освоения скважин

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2021.1.PhD/T1085 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Умедов Шерали Халлокович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Рахимов Акбархужа Камилевич
доктор технических наук, профессор

Матякубов Марим Юсупович
кандидат технических наук

Ведущая организация: АО «O'ZLITINEFTGAZ»

Защита диссертации состоится «24» 02 2022 года в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/05.06.2020.T.03.06 при Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100059, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном техническом университете (регистрационный номер 240). Адрес: 100059, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 71 246-46-00.

Автореферат диссертации разослан «8» 02 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).



А.А. Рахимов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор технических наук

Ш.А. Каримов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по т.н.

Б.А. Алиев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученой
степени, доктор технических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время главной приоритетной задачей в мире в области нефтегазодобычи является изоляция водопритоков и ликвидация обводнения скважин с целью повышения технико-экономических показателей бурения и эксплуатации скважин. Так, появление современных производств приводит к увеличению потребности в углеводородных ресурсах. Поэтому одними из наиболее актуальных задач современности является необходимость внедрения новых технологий для изоляции водопритока и ликвидации обводнения скважин путем доставки в зону осложнения тампонирующих материалов в специальном контейнере. В связи с этим исследование по созданию новой технология спуска контейнера в скважину с помощью каротажного кабеля имеет важное теоретическое и практическое значение.

В мире проводится ряд научных исследований по технологии доставки тампонажных смесей в зону осложнения скважин с использованием контейнера с целью повышения качества изоляции водопритоков и ликвидации обводнения скважин. При этом особое внимание уделяется разработке оптимальной конструкции контейнера, спускаемого на каротажном кабеле для успешной транспортировки тампонажного материала и обеспечению свободного прохода контейнера с тампонажной смесью по стволу скважины в зону водопритоков, тем самым повышая эффективность изоляционных работ.

В республике большое внимание уделяется развитию нефтегазовой промышленности, в частности, происходят увеличение объема добычи углеводородного сырья, что вносит значительный вклад в экономику и укрепление независимости страны путем изоляции водопритоков и ликвидации обводнения скважин. Это, в свою очередь, требует внедрения новой техники и технологии в процессе эксплуатации скважин. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «сокращению энергоёмкости и ресурсоёмкости экономики, широкому внедрению в производство энергосберегающих технологий, повышению производительности труда в отраслях экономики»¹. Исходя из этого, разработка новой технологии изоляции водопритоков и ликвидации обводнения имеет важное значение.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2822 от 9 марта 2017 г. «Об утверждении Программы по увеличению добычи углеводородного сырья на 2017 - 2021 годы», №ПП-3107 от 30 июня 2017 г. «О мерах по совершенствованию системы управления

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

нефтегазовой отрасли», №ПП-4388 от 9 июля 2019 г. «О мерах по совершенствованию системы организации и проведения геологоразведочных работ на нефть и газ», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, направленные на изучение развития технологии доставки тампонажной смеси с применением контейнера с целью тампонирования осложненной зоны скважины показывают, что основные проблемы для выполнения этих операций зависят от многих факторов применения контейнеров.

